

# “БИЛЛИНГ”

# НИМА?

**Кейинги пайтларда “биллинг”, “биллинг тизими”, деган иборалар кўп ишлатилмоқда. Шу ҳақида батафсилроқ маълумот беришингизни сўрайман.**

**Азиза Ҳалидова,  
Оҳангарон шахри.**

“Биллинг” сўзи инглиз тилида “bill” – “ҳисоб” деган маънони англатади.

“Биллинг” тизими – истеъмолчиларнинг реквизитлари ва етказиб берилган товар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича тарификациялашнинг ҳисобини юритувчи ўзига хос ахборот марказидир. Мазкур тизим орқали етказиб берилган хизматлар учун аниқ манзилли ҳисоб-китоб ва маълумотлар олинади.

## “БИЛЛИНГ” ОНЛАЙН ИШЛАШ ТИЗИМИ

Сувоқава ташкилотларида “Биллинг” тизимини татбиқ қилиш ва унинг ишлаш жараёнини такомиллаштириш, иш жараёнида бир қатор қулайликлар ва иш унумдорлигини оширишга олиб келади: сув таъминоти корхонаси томонидан аҳоли, улгуржи, юридик истеъмолчилар бўйича ялпи хатлов ўтказилиб, маълумотлар базаси яратилади. Ушбу база мунтазам равишда янгиланиб турилади. Аниқ маълумотлар базаси ёрдамида Сув таъминоти корхонаси ҳудуддаги истеъмолчиларни тўла қамраб олганлик даражаси ва аниқ истеъмолчилар сони ҳамда гуруҳи бўйича манзилли рўйхатга эга бўлади.

## ХАТЛОВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Ушбу далолатномада “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларига” асосланган ҳолда истеъмолчининг ҳисоб-китобга асос бўладиган барча кўрсаткичлар инobatга олинади. Далолатномада ободонлаштириш коди кўрсатилиши шарт. Шунингдек, одам сони, ҳисоблагич асбоби кўрсаткичлари, суғориладиган, шунингдек, иссиқхоналар майдони, ҳовуз, уй ҳайвонлари сони ва тури, автоулов мавжудлиги ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар берилади;

“Биллинг” тизими учун дастурчилар жалб қилинади. “Биллинг” дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларда белгиланган талабларга асосланган бўлиши керак (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари” ва 2015 йил 30 октябрда 306-сонли “Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2013 йил 6 ноябрдаги 300-сонли “Республиканинг иссиқлик тўғрисида ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқалар);

“Биллинг” дастурига ўтказилган хатлов далолатномасидаги барча маълумотномалар тўлалигича ва тўғри киритилишига катта эътибор берилиши керак. Ушбу фа-

олиятни истеъмолчилар билан ва МИБ бўлими ходимлари бажаради.

Маълумотлар аниқлигини таъминлаш мақсадида Давлат кадастр хизматидан маълумот олиндиб, “Биллинг” базасига киритилади. Ҳамда онлайн вақт режимида янгиланиб борилади;

Берилган маълумотлар истеъмолчилар ўртасида ҳисоб-китоб, пул тушуми, қарздорлик, истеъмол қилинган сув ҳажми ва миқдори, сув ҳисоблагич билан таъминланганлик даражаси, МИБ вакили иш унумдорлигини текшириб туриш ва назорат қилиш, ҳисобот ва маълумотларни осон ҳамда тезкорлик билан олиш имконини беради.

“Биллинг” тизими мунтазам равишда такомиллаштирилиб, янги дастурий тилларга мослаштирилиб, кунлик маълумотлар киритиш орқали янгиланиб турилиши лозим.

Корхона томонидан кўрсатилган хизматлар учун аҳоли, улгуржи, юридик истеъмолчилар томонидан тўловлар “Биллинг” тизимида ўз аксини топади. Тўлов миқдори ҳар қандай банк ва унинг филиаллари орқали тўғридан-тўғри истеъмолчи ҳисоб рақамига ва биллинг базасига келиб тушади. Тўланган пул маблағлари корхона ҳисоб рақамида ва Биллинг базасида онлайн тарзда намоён бўлади;

## Биллинг:

Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Click”, “Payme”, “Sms to'lov”, “Paynet”, “Uray” ва бошқа тезкор тизимлар орқали тўловлар;

Мобил алоқалар ёрдамида истеъмолчилар томонидан ҳисоблагич асбоби кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни қабул қилиш, уларга огоҳлантиришлар юбориш ва яна бир қанча маълумотлар алмашинуви;

Операторларга келиб тушган маълумотларни зарур бўлганда “Биллинг” базаси орқали кўриб чиқиш, қайта ҳисоб-китоб қилиш, ўзгартиришлар киритиш;

Ҳисоблагич асбоблари орқали ўтказилган сув ҳажми тўғрисида тез ва аниқ маълумотлар олиш каби хизматлар амалга оширилади.

**Call centre** – истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида тезкор тарзда маълумотлар олиш, маълумотлар бериш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш имконини яратади.

**Интернет портал** – Сувоқава ташкилоти, тузилмаси, манзиллари тўғрисида, тарифлар, соҳа бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, абонентларнинг шахсий ҳисоб рақамларидаги қарздорлик тўғрисида ва шу каби бошқа зарур маълумотларни олиш мумкин бўлади.

“Биллинг” тизими бухгалтерия учун ҳам қулай. Ундан ҳисоб-китоб рақамларига келиб тушган пул маблағлари, дебитор ва кредитор қарздорликлар тўғрисида тезкор маълумотлар олиш;

Маълумотлар ва ҳисоботларни сўралган жойларга аниқ ва қисқа муддатларда тақдим этиш имконияти яратилади.

**Фахриддин ЮСУПОВ,  
Ахборот коммуникация ва  
“Биллинг” тизимини татбиқ этиш ахборот  
хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи**